

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ҲАМКОРЛИКДАГИ БОШҚАРУВ

*Қ.О. Шодмонов,
Педагогика фанлари номзоди
Наманган МПИ катта ўқитувчиси,
Н.М. Ахмаджонова,
Намаманган ДУ стажёр-тадқиқотчи- изланувчиси,
И.А.Рахимова,
ЎзПФИТИ тадқиқотчиси*

Таълим муассасаси олдида турган мақсадларга эришиш мазкур таълим муассасаси раҳбарлари, педагог ходимлар ва бошқа техник ходимларнинг ҳамкорликдаги бошқарув фаолиятини ташкил этишни назарда тутди. Бу эса, ўз навбатида, ҳамкорликдаги фаолиятни маълум бир изчилликда мувофиқлаштиришни, яъни таълим муассасасида муайян ички тартиб-қоидаларни ўрнатилишини тақозо этади.

Таълим муассасаларида ўрнатиладиган ички тартиб-қоидалар ташкилий тузилиш шаклида намоён бўлади.

Ташкилий тузилишга кўра, анъанавий тамойиллар асосида, меҳнат тақсмотини амалга оширилишида бажариладиган вазифаларнинг йўналишлари бўйича таълим муассасаси ходимлари уч тоифага: раҳбарлар, мутахассислар ва ижрочиларга бўлинадилар.

Ушбу кузатувларга асосланган ҳолда, асосланган ҳолда таълим муассасасида бажариладиган вазифаларнинг йўналишлари бўйича раҳбарларга таълим муассасаси директори, директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича, ўқув ишлари, касбий таълим, маъмурий-хўжалик ишлари бўйича ўринбосарларини, шунингдек, бош уста, жисмоний тарбия раҳбари ҳамда ёшларни чақириққача тайёрлаш раҳбарини ҳам киритиш мумкин.

Таълим муассасаси бошқарувида мутахассисларга: психолог, услубий ва тўғра раҳбарларини; ижрочилар жумласига: ўқитувчилар ва тарбиячилар, хўжалик хизмати ишчи-ходимлари ҳамда, ўз навбатида, ўқувчиларни ҳам мисол қилиш мумкин бўлиб, мутахассислар ва ижрочилар маъмурий ҳокимиятга эга бўлмасалар-да, таълим муассасаси фаолиятида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган таълим-тарбия жараёнининг натижавийлигини таъминлашда мутахассис ва ижрочи сифатида фаолият кўрсатишларини эътироф этиш зарур.

Таълим муассасаси фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда педагоглар фаолиятининг мувофиқлаштирилиши, таълим муассасаси барча ходимларининг ўз меҳнат фаолиятлари натижаларидан тенг асосда қониқиш ҳосил қилишлари, жамаодаги тўғри меҳнат тақсмоти, ходимларда ўз вазифаларига нисбатан масъулият ҳиссининг шаклланиши, ўқувчилар билан олиб бориладиган таълим-тарбия ишларининг ташкил этилиши ва сифати, ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, жисмоний жихатдан ривожланиши, яъни, болалар спортини самарали ташкил этиш ва

ривожлантириш ҳамда ўқув жараёнини ҳозирги замон талаблари асосида, илмий асосда, ташкил этиш самарадорлиги кўп жиҳатдан таълим муассасаси раҳбарлари, мутахассислар ва ижрочиларнинг функционал вазифаларини қай даражада тушуниб етиши ва амалга оширишига боғлиқ бўлади.

Таълим муассасаси раҳбар ходимларининг функционал вазифалари ҳамда бошқарув функцияларининг мақсади, вазифаси ва мазмун-моҳиятидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, таълим муассасасини бошқаришда педагог ходимлар, ота-оналар ва ўқувчилар ўртасидаги бевосита ўзаро таъсир жараёнини кузатиш; барча учун зарур ва қулай бўлган руҳий муҳитни вужудга келтириш; тарбиявий муносабатларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш; таълим муассасасида ўқув машғулотларини давлат таълим стандартларига мос равишда, илмий асосда ташкил этиш ва назорат қилиш; ўқув ва тажриба-лаборатория хоналарини ўқув жараёнига тайёрлаш, ўқув жараёни иштирокчилари учун зарурий шарт-шароитларни яратиш; назарий ва амалий машғулотларни илмий асосда ташкил этиш учун зарур бўлган илмий-методик ва ўқув адабиётлари, техника воситалари, технологик жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-методик ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминлаш; таълим муассасасидаги мавжуд муносабатларни, ўқувчиларнинг жисмоний, руҳий ва интеллектуал ривожланишига таъсир кўрсатувчи омилларни, уларга бевосита таъсир кўрсатувчи жамоа аъзоларининг фаолиятини, яъни, ўқитувчилар билан ўқувчилар, ота-оналар билан таълим муассасаси ҳамда ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; таълим муассасасида мавжуд зиддиятларни ҳамда йўл қўйилаётган камчиликларни аниқлаш; кадрларни танлаш ва уларни жой-жойига қўйиш; ўқувчиларнинг қобилияти, билим олишга ва хунар ўрганишга бўлган қизиқиши, улардаги ижобий ва салбий ҳислатларни келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш ҳамда уларга таъсир кўрсатишнинг энг мақбул йўллари билан белгилаш; ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва таҳлил қилиш, уларни Ватанга садоқат, миллий ғурур, юксак ахлоқ, буюк аجدодлар меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга, уларнинг қизиқишлари бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган тадбирларни ташкил этиш; таълим-тарбия жараёнининг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотлар тўплаш, қайта ишлаш ва объектив баҳолаш; таълим муассасасининг ривожланиш мойиллиги ва динамикасини аниқлаш ҳамда унинг фаолиятини такомиллаштириш йўналишида қарорлар қабул қилиш; инновацион жараёнларни ташкил этиш ва унинг натижавийлигига иштирокчиларнинг қизиқишларини орттириш; таълим муассасасининг асосий мақсади бўлган муассасасида таълим тизимини ривожлантириш; таълим-тарбия жараёнида кўзланган натижаларга эришиш; рақобатбардош мутахассислар тайёрлаш йўналишида ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этиш каби вазифаларнинг бажарилиши жараёнида таълим муассасаси раҳбар ходимлари ўзига хос аҳамият касб этувчи ахборот-таҳлил, мақсадли-мотивлаштириш, олдиндан кўриш-режалаштириш, ташкилий-ижрочилик, назорат-ташхис ва тартибга солиш-мувофиқлаштириш функцияларини амалга оширадilar.

Назаримизда, таълим муассасаси раҳбар ходимлари ўз функционал вазифаларини амалга ошириши учун ташкил этиладиган фаолиятнинг мазмун-моҳияти юқорида келтирилган функцияларни амалга оширишда ўз ифодасини топади ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим муассасасида ҳамкорликда бошқарувни ташкил этиш таҳозосини белгилайди.

Таълим муассасаси фаолиятини самарали ташкил этиш, белгиланган мақсадларга эришишда, ҳамкорликдаги бошқарув муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бунда жамоавий бошқарув органлари ҳамда жамоатчилик ташкилотларининг иштироки ва уларнинг фаоллиги ўзига хос аҳамият касб этади.

Ҳамкорликдаги бошқарувни ташкил этишдан асосий мақсад, таълим муассасаси олдига қўйилган мақсадларга эришишда, муассасанинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш ва такомиллаштириш йўналишидаги масалаларни ҳал этиш, муаммоларнинг ижобий ечимини топиш, инновацион жараёнларни ташкил қилиш ва ривожлантириш, турли хил масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш асносида жамоа барча аъзоларининг иштирокини таъминлаш ҳамда белгиланган мақсадларга эришишда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ҳисобланади.

Ҳамкорликдаги бошқарув ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар мақсадга эришишда, ҳаракатлар изчиллиги билан белгиланади, яъни, бу жиҳатлар ўз-ўзидан мақсадга кўра аниқланмайди, балки, мақсадга эришишдаги ўзаро ҳамкорлик, ўзаро тушуниш, ўзаро таъсир жараёнининг самараси, жамоадаги қулай руҳий муҳит, жамоа аъзолари учун яратилган шарт-шароитлар орқали белгиланади.

Таълим муассасасида ўзига ва ўз ишига нисбатан талабчан, ўз ишининг устаси бўлган, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билган, ўзини-ўзи ривожлантирувчи ҳамда ўз қобилияти ва имкониятларини тўла ишга сола биладиган, таълим муассасаси, оила ва маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўя оладиган, раҳбар ходимларнинг фаолият кўрсатишини талаб қилиши билан бир қаторда, ҳамкорликдаги бошқарувни таълим муассасасининг фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга йўналтиришда мазкур жараён иштирокчилари учун бошқарув фаолияти ва унинг ҳуқуқий асосларини, иш вақтини тақсимлаш ва ундан самарали фойдаланиш, қарор қабул қилиш, қарорларнинг ижросини таъминлаш шакллари, стратегия ва стратегик бошқарув сирларини, мотивлаштириш назариялари ва ходимлар фаолиятини баҳолаш турларини билиш; муассасанинг ривожланишидаги умумий қонуниятларни, инсон ресурсларини бошқариш сирларини билиш ва стратегик тафаккурга эга бўлиш заруриятини белгилайди.

Шунингдек, таълим муассасаси раҳбар ходимлари бошқарувнинг функционал жиҳатларини ўзлаштириши ва мотивлар билан боғлиқ омилларни бошқариши (моддий ва ижтимоий-психологик рағбатлантириш тизимини яратиш); самарали меҳнатни, ишга бўлган ташаббускорлик-иждоий муносабатни шакллантириши; мақсадга эришишда жамоа ва шахс эҳтиёжларини ҳисобга олиши; дам олиш вақтидан унумли фойдаланиш имкониятларини яратиши; муассасада соғлом ижтимоий-психологик

вазиятни, шахслараро ва гуруҳлараро энг мақбул алоқаларни вужудга келтириши ва қўллаб-қувватлаш; ходимларнинг батартиб ва дўстона ишлашига, ҳар бир шахснинг ақлий ва ахлоқий салоҳиятини намоён этишига шароитлар яратиши; муҳандис-педагог, педагог ва бошқа ходимларнинг биргаликда амалга оширадиган меҳнат натижаларидан уларнинг тенг даражада қониқиш ҳосил қилишларига эришиши; раҳбарлик услубларини вазиятга боғлай билиши ва улардан оқилона фойдаланиши; таълим муассасаси бошқарувини ички ва ташқи ўзгаришларга мослаштириши; инновацион жараёнларни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўналишидаги зарурий билим, кўникма ҳамда малакаларга эга бўлиши зарурий таҳозо ҳисобланади.